

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИОЛОГИК ИҚТИДОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

А. К. Рахматуллаева

Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти

anora.rakhmatullayeva@bk.ru

Ш. Мардонов

Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи: зийрак ва зукко бўлиши, иқтидорли болалар психологиясини яхши билиши ҳамдауларнинг талаб ва қизиқишларини ҳис қила олиши, таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши, юқори интеллектуал салоҳият эгаси бўлиши, маҳоратли ва дунёқарашни кенг бўлиши, иқтидорли болаларни ўқитиш билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятни бажара олиши, табиатан фаол ва киришимли бўлиши, изланувчан ва доимо ўз устида ишлаши, ижодий фикр юритиш, ноанъанавий дунёқарашга эга бўлиши зарурлиги ҳақида тушунча берилади. Келажак мутахассислари ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган ва таълимнинг турли соҳалари: табиий фанлар, муҳандислик ва технологиядан билимларга эга бўлишлари талаб қилинади. Ватанимиз равнақи учун, кўплаб ёшлар орасидан биологик иқтидорларини аниқлаш ва уларни тарбиялаш орқали юртимизнинг иқтисоди, илмий салоҳиятининг юксалишига сабаб бўладиган рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишини таъминлашга ҳаракат қилиш керак.

Калит сўзлар: биология, лаборатория, кўргазма, билим, кўникма, малака, ўқитувчи, технология, иқтидор, педагогика, коммуникация.

THEORETICAL BASIS OF DEVELOPING BIOLOGICAL CAPACITY OF STUDENTS IN BIOLOGY CLASSES

A. K. Rakhmatullayeva

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

anora.rakhmatullayeva@bk.ru

S. Mardonov

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

In this article, the teacher will work with gifted students: be smart and intelligent, have a good knowledge of the psychology of gifted children, be able to feel the needs and interests of students, have experience in education, have high intellectual potential, be skilled and open-minded, an understanding of the need to be able to perform, to be active and enterprising by nature, to be inquisitive and constantly working on oneself, to think creatively, to have an unconventional worldview. Future professionals are required to have comprehensive training and knowledge in various fields of education: natural sciences, engineering and technology. For the development of our country, it is necessary to try to ensure that many young people become competitive personnel who will contribute to the growth of the economy and scientific potential of our country by identifying and nurturing their biological talents.

Keywords: biology, laboratory, exhibition, knowledge, skill, qualification, teacher, technology, talent, pedagogy, communication.

КИРИШ

Ҳар бир бола иқтидор эгаси бўлиб туғилади. Бу иқтидорни юзага чиқариш фақат алоҳида шахс учун эмас, балки жамият ва унинг тараққиёти учун зарурдир. Шунинг учун замонавий малакали педагогларга қўйиладиган асосий талаблардан бири иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, иқтидорни керакли йўналишда ривожлантириш учун ижодий ёндашиш ва уни юзага чиқариш учун зарур шарт- шароитни яратиш, ўқувчи ёшлар руҳиятини тушуна олиш ва малакали ёрдам бера олишдир.[6] Иқтидор – инсон руҳиятининг бутун ҳаёти давомида тизимли ривожланадиган психиканинг имконияти бўлиб, инсоннинг бошқаларга нисбатан ноанъанавий ва фавқулудда натижаларга эришишини таъминлайди. Иқтидор инсоннинг барча имкониятларини ва фикрлашини ҳаётнинг янги талабларини ҳал қилишга ва янги шароитларга мослашишга йўналтиради. [5] Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи :

Зийрак ва зукко бўлиши, иқтидорли болалар психологиясини яхши билиши хамдауларнинг талаб ва қизиқишларини ҳис қила олиши, таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши, юқори интеллектуал салоҳият эгаси бўлиши, маҳоратли ва дунёқараш кенг бўлиши, иқтидорли болаларни ўқитиш билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятни бажара олиши, табиатан фаол ва киришимли бўлиши, изланувчан ва доимо ўз устида ишлаши, ижодий фикр юритиш, ноанъанавий дунёқарашга эга бўлиши зарур. Иқтидорли ўқувчилар

билан ишлашда, уларга фанлар бўйича амалий ёрдам беришда муаммолар ҳам йўқ эмас. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тажрибасига асосланган ҳолда муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги вазифаларни бажариш самарали натижа беради.[5]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умумтаълим тизимида рўй бераётган катта ўзгаришлар ҳозирги вақтда иқтидорли ўқувчиларга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Собиқ президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили” номли асарида: “Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратишнинг Республика тизимини ишлаб чиқиш карак”-деб таъкидлаганлар[7]. Иқтидорли ёшлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳамда уни жаҳон ҳам жамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи омил ва миллатимиз зийнати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари орасидан иқтидорли, хусусан биологик иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг иқтидорларини ривожлантириш каби жараёнларнинг илмий асосларини яратиш педагогика фанининг долзарб мавзусига айланди. Юртимиз келажаги учун, минглаб ёшлар орасидан айнан шундай биологик иқтидорлиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш орқали Ватанимизнинг иқтисоди, илмий салоҳиятининг юксалишига хизмат қиладиган рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишини таъминлашга ҳаракат қилиш зарур.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва зарур йўналишлар бўйича тавсиялар бериш “Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республикаси ташхис маркази”га юклатилган.”Иқтидорли болалар” миллий капитал сифатида қараладиган миллий кадриятлар даражасидаги тушунчадир.Шу ўринда миллатнинг иқтидорли фарзандларига эътибор бериш, қўллаб қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Билимли, иқтидорли бола нафақат ўзининг, балки миллатнинг келажагини ҳам белгилайди. Эндиликда халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида биология билимларидан кенг фойдаланилади. Келажакда биологиянинг амалий аҳамияти янада ортиб боради. Чунки қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри иштирок этмайдиган шаҳар аҳолисининг сони тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда озуқа

захираларини фақат қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш ҳисобига кўпайтириш мумкин. Бу борада микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонларнинг юқори маҳсулдор навлари ва зотларини яратиш катта аҳамият касб этади. Жаҳонда уй ҳайвонларининг янги маҳсулдор зотларини ва маданий ўсимликларнинг ҳосилдор навларини яратишда эса бу ютуқлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган, яна тиббиётда ишлатиладиган дори-дармонларни олишда, рангли металллар ва радиоактив элементлари бўлган рудаларни бойитишда ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб Республикамизда иқтидорли ўқувчи ва ёшлар билан ишлашга эҳтиёж янада кучайди. Ўқув жараёни муваққиятли бўлишида иқтидорли ўқувчиларнинг ўқув жараёни амалиётида илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва бу йўналишга шароитлар яратиш биология фанига қизиқишини оширишга ёрдам беради. Ҳозир тасаввур ҳам қилиш қийин бўлган касблар юзага келадик, уларнинг барчаси табиий фанлар билан боғлиқ ҳолда технология ҳамда юқори технологик ишлаб чиқаришга оиддир. Айниқса, био- ва нанотехнология мутахассисларига эҳтиёж ортади. Келажак мутахассислари ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган ва таълимнинг турли соҳалари: табиий фанлар, муҳандислик ва технологиядан билимларга эга бўлишлари талаб қилинади. Ватанимиз равнақи учун, кўплаб ёшлар орасидан биологик иқтидорларини аниқлаш ва уларни тарбиялаш орқали юртимизнинг иқтисоди, илмий салоҳиятининг юксалишига сабаб бўладиган рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишни таъминлашга ҳаракат қилиш керак.

Дарс, экскурсиялар, уй ишлари, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотлар биргаликда биологияни ўқитишдан кўзда тутилган умумий ўқув мақсадларига эришишни таъминлайди, ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштириш, олинган натижаларни таҳлил қилишга хизмат қилади. Масалан, ўрганиладиган мавзу катталаштирувчи асбоблар ёки лаборатория жиҳозлари билан боғлиқ, шунингдек, анатомик мазмун, физиологик жараёнлар, назария, ғоя, тушунчалар, қонунлар, масала ечиш ўрганиладиган бўлса, унда албатта ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарсни танлаш зарур. [3]

Агар таълим мазмуни ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги, турли экологик муҳит шароитига мослашишини ўрганишни талаб этса, бу ҳолда экскурсия ташкил этилиши ёки видеофилмлар намойиш қилиш мақсадга мувофиқ. Экологик тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришда дарс билан бир қаторда, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ҳам муҳим ўрин

тутади. Кузатиш ўтказиш ва тажриба қўйишда уй ишлари, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Биологияни ўқитишда синфдан ташқари машғулотлар муҳим ўрин тутаяди. Мазкур ўқитиш шакли ихтиёрий бўлиб, ўқувчиларнинг биология ўқув фанига бўлган қизиқиши, оламни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.[1]

Биология фанидан ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари машғулотлар ичида энг қизиқарлиси тирик ҳайвонлар устида олиб бориладиган кузатишлар ва тажрибалар ҳисобланади. Масалан, Зоология фанида “Содда ҳайвонлар” мавзуси ўтилаётганда тажриба ташқи муҳитнинг, жумладан ҳарорат ва шўр сувда туфельканинг хатти-ҳаракатига бўлган таъсирини ўрганишга бағишланган. “Ковакиччилик” мавзуси бўйича кузатиш ва тажрибалар гидранинг озикланиши ва кўпайиши устида олиб борилади.[4] “Балиқлар” мавзуси бўйича кузатиш ва тажриба ишлари аквариумда боқиладиган балиқлар телескоп, қиличдум, арранда, гуппи ва бошқалар устида олиб борилади. Ўқувчилар бундай тажрибаларни мактабдаги тирик бурчакда, ўз уйларида ҳам ўтказиш мумкин. Аквариумдаги балиқлар билан шартли рефлексларнинг ҳосил бўлишига оид тажрибаларни ўтказиш мумкин.[2]

ХУЛОСА

Ахборот-коммуникацияси технологиялари ривожини билан интерактив усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш, уни амалга ошириш бўлиб, бунга асосан интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив усуллар бу- ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчилараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатдир. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни ушбу дарсга қизиқтириш, уларнинг бирламчи фикрларини тинглаш, жавоб беришга ундаш, жавоблар ичида биологияга умуман боғлиқ бўлмаган мавзулар кўтарилганда ҳам ўқитувчи бунга алоҳида аҳамият бермаслиги, ўқувчиларни янада кўпроқ фикрлашга, биология ичига чуқурроқ кириб боришга ундаб туриш керак.[6]

REFERENCES

1. А.Т.Гафуров “Биология фанидан ўқитувчилар учун қўлланма”. Тошкент.1988й.

2. А.Т.Гафуров, Ж.Толипова ”Биологияни ўқитишнинг умумий методикаси”. Тошкент. 1997й.
3. ТолиповаЖ..Биологияўқитувчисинингилмий-методик таёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. –Тошкент, 2006.
4. А. К. Рахматуллаева. Биология фанида ўқувчилар билан ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти.
5. А. Шермуратов. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.
6. Т.У. Утапов.Математика таълими жараёнида ўқувчиларнинг математик иқтидорини аниқлаш ва ривожлантириш методикаси.
7. И.А.Каримов “Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили”
8. Рахматуллаева, А. К. (2020). АЛЛОКСАН ДИАБЕТ ШАРОИТИДА ЖИГАРДАГИ ГЛИКОГЕН МИҚДОРИГА КЕМПФЕРОЛ ФЛАВОНОЛИНИНГ ТАЪСИРИ. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
9. Рахматуллаева, А. Қ. (2020). БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЛАБОРАТОРИЯ МАШЎУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (3).
10. Z Рахматуллаева, А. К., & Атабаева, Д. Т. (2020). БИОЛОГИЯ ФАНИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШЎУЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (3).
11. akirov, D., & Madaminova, G. (2020). CLUSTER TEACHING METHOD FOR DEVELOPMENT OF ECOLOGICAL EDUCATION AND FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE OF SCHOOLCHILDREN IN GENERAL EDUCATIONAL SCHOOLS. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
12. Дониёр Уткирович Закиров, & Жасур Хабибуллаевич Гулямов (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. Science and Education, 1 (Special Issue 1), 37-44.
13. Zakirov, D., & Madaminova, G. (2020). Ekologik ta'limni rivojlantirish va umumiy o'rta maktablarida o'quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirish. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
14. Закиров, Д. У. (2020). ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).

15. Атабаева, Д. Т. Ф.(2020). ВЛИЯНИЕ УТРЕННЕЙ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА ЗДОРОВЬЕ ШКОЛЬНИКОВ. Журнал критических обзоров, 7(5), 1631-1636.

16. Атабаева, Д., & Файзиев, В. Б. (2020). ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА УЙҚУНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).

17. AtabaevaDamiraTurdibekovna, F. (2020). INFLUENCE OF MORNING PHYSICAL CULTURE ON THE HEALTH OF PUPILS. Journal of Critical Reviews, 7(5), 1631-1636.

18. Закиров, Д. У. (2020). МАКТАБЛАРДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎТКАЗИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Science and Education, 1(7).